

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МАТМУРОДОВ РУСТАМБЕК ЖУМАНАЗАРОВИЧ**

**ЭКСТРАПИРАМИДАЛ КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА АНИҚЛАШДА**  
**ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ДАВОЛАШ**  
**ТАКТИКАСИ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИБИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА**  
**ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Матмуродов Рустамбек Жуманазарович**

Экстрапирамидал касалликларни эрта аниқлашда  
янгича ёндашувлар ва дифференциал  
даволаш тактикаси тамойиллари.....3

**Матмуродов Рустамбек Жуманазарович**

Новые подходы к раннему выявлению  
экстрапирамидных заболеваний и принципы  
дифференцированной лечебной тактики.....29

**Matmurodov Rustambek Jumanazarovich**

New approaches to the early detection of  
extrapyramidal disease and principles  
of the differentiated treatment tactics.....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....59

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МАТМУРОДОВ РУСТАМБЕК ЖУМАНАЗАРОВИЧ**

**ЭКСТРАПИРАМИДАЛ КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА АНИҚЛАШДА**  
**ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ДАВОЛАШ**  
**ТАКТИКАСИ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИБИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА**  
**ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib80 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг ([www.tirpe.uz](http://www.tirpe.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Халимова Ханифа Мухсиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмийоппонентлар:** **Антанас Ваиткус**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Литва Республикаси)

**Маджидова Якутхон Набиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Джурабекова Азиза Тахировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчиташкилот:** **Академик И.П.Павлов номидаги биринчи**  
**Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44); e-mail: [info@tirpe.uz](mailto:info@tirpe.uz), Тошкент врачлар малакасини ошириш институти мажлислар зали.)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.А.Акилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Б.Г.Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда экстрапирамидал касалликлар (ЭПК), жумладан Паркинсон касаллиги (ПК) ва торсион дистониянинг турли кўринишлари ҳозирги замон неврологиянинг энг мураккаб бўлган ва охиригача тўлиқ ўрганилмаган муаммоларидан бири ҳисобланади. Сўнгги маълумотларга қараганда, ПКнинг учраш частотаси 100000 аҳолига 100-250 беморни ўз ичига олиб, ўртача учраши 60-65 ёшни ташкил этади ва ҳар 10 та бемордан биттаси 50 ёшдан паст ёшга тўғри келиши аниқланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра 2007 йил дунё бўйича 5 миллиондан ортиқ ПК қайд қилинган, бу кўрсаткич эса ҳар йили ошиб бормоқда. Ташхислаш усуллариининг ривожланиши натижасида касалликнинг учраши нисбатан ёшариб, 40 ёшгача касаллик клиник белгилари аниқланмоқда<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланди. Эрта ташхислашга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўрта ва кекса ёшдаги аҳоли орасида неврологик касалликларни ўз вақтида аниқлаш, даволашнинг самарали усуллариини тадбиқ этиш, аҳоли орасида экстрапирамидал касалликларни барвақт аниқлаш, патогенетик даво принципларини такомиллаштириш ва оғир асоратларни олдини олишга эришилди. Амалга оширилган чора-тадбирларга қарамасдан, бугунги кунда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича муайян муаммолар мавжуд. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...касалликларнинг профилактикаси ва ташхислаш, замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш, юқори малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан, жумладан, экстрапирамидал касалликларни даволаш бўйича чуқур илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда экстрапирамидал касалликларни эрта аниқлашда янгича ёндашувлар ва дифференциал даволаш тактикасининг натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида катор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бу борада аҳолининг турли қатламлари орасида экстрапирамидал касалликларни эрта аниқлаш сабабларини асослаш, экстрапирамидал касалликларни даволашнинг патогенетик механизмларини ишлаб чиқиш, экстрапирамидал касалликларни эрта аниқлашда беморларни скрининг тизимига жалб қилиш ва оптимал тактикасини танлаш, экстрапирамидал касалликларни келтириб чиқарувчи хавфли омилларнинг олдини олиш тизимини ишлаб чиқиш, экстрапирамидал касалликларни

<sup>1</sup> Нодель М.Р., Яхно Н.Н. Двигательные флуктуации и дискинезии при болезни Паркинсона: Новые возможности терапии // Неврологический журнал. – Москва, 2007. – №2. – С. 26-30.

<sup>2</sup> 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

ташхислашда нейронспецифик хусусиятга эга бўлган S100B оқсил миқдорини аниқлаш тартибини ишлаб чиқиш, экстрапирамидал касалликларни бартараф қилиш, инсонлар соғлиғи ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Экстрапирамидал касалликларнинг этиопетогенетик ва клиник хусусиятлари, эрта ташхислаш ва даволашнинг замонавий технологияларини қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Fresco Institute Parkinsons and Movement Disorders, University of California, American academy of Neurology (АҚШ), World Federation of Neurology (Буюк Британия), European academy of neurology (Швейцария), Экстрапирамидал касалликлар маркази, Федерал нейрохирургия маркази, Неврология илмий маркази (Россия Федерацияси), Герантология институти (Украина), Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Экстрапирамидал касалликларни эрта аниқлаш ва наслий хусусиятларини ташхислашда ҳаракатга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган бузилишларни профилактика чора-тадбирлари тўғрисида жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган. Жумладан, Паркинсон касаллигининг ирсий хусусиятларини боғлиқлиги исботланган (Fresco Institute Parkinsons and Movement Disorders, University of California, АҚШ); Паркинсон касаллигининг ривожланишида генетик маркерлар аниқланган (European academy of neurology, Швейцария); экстрапирамидал касалликларда ҳаракатга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган хусусиятлар асосланган (World Federation of Neurology, Буюк Британия); экстрапирамидал касалликларни дифференциал даволашда жарроҳлик амалиётининг ўрни исботланган (Федерал нейрохирургия маркази, Неврология илмий маркази, Россия Федерацияси); ўзбек популяциясида

---

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. <http://www.cchp.ru/poliklinika4651>, [www.xn80aocaipeaifmp.xn-p1ai](http://www.xn80aocaipeaifmp.xn-p1ai), [www.geront.kiev.ua](http://www.geront.kiev.ua), [neuronsk.ru/contacts.php](http://neuronsk.ru/contacts.php), [www.med-rf.ru](http://www.med-rf.ru), [www.neurology.ru](http://www.neurology.ru), [www.ean.org](http://www.ean.org), [www.aan.com](http://www.aan.com), <https://www.wfneurology.org>, <http://pdcenter.neurology.ucsf.edu>, <http://www.theipi.org>.

Паркинсон касаллигининг генетик хусусиятлари, касалликни ташхислашга янгича ёндашув ва даволаш тактикасининг замонавий тамойиллари асосланган (Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Дунёда экстрапирамидал касалликларни эрта ташхислашда генетик хусусиятлар ва биокимёвий маркерларни илмий асослаш бўйича бир қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Паркинсон касаллиги ривожланишида молекуляр генетик ва биокимёвий хусусиятларининг ўрнини асослаш; касалликнинг ҳаракатга боғлиқ бўлмаган когнитив ва аффектив бузилишларни олдини олиш механизмларини ишлаб чиқиш; экстрапирамидал касалликларни замонавий жарроҳлик усуллари билан даволаш тамойилларини ишлаб чиқиш; экстрапирамидал касалликларда ботулинотерапиянинг аҳамиятини асослаш; экстрапирамидал касалликларда КТ ва МРТ текширув усуллариининг хусусиятлари ва эрта ташхислаш ва даволаш усулларни такомиллаштириш кабилар шулар жумласидандир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кейинги йилларда хорижий давлатларда ЭПКда ҳаракат ва ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишлар турли даражада намоён бўлиши ўрганилган. Бугунги кунда асаб тизими жароҳатланишида нейронлар учун махсус бўлган оқсиллар-биологик фаол бўлган молекулаларни ўрганиш зарурлигини тақозо қилмоқда. Н.В.Белобородова, А.В.Траилин, S.M.Bloomfield (2011) маълумотларига кўра бу оқсиллар ёрдамида нафақат касалликларнинг клиник кечиши ва давомийлиги, балки уларни касалликларни эрта аниқлаш маркери сифатида, шунингдек, уларнинг оқибатлари тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Ф.Ф.Гашилова, Н.Г.Жукова (2005) тадқиқотлари натижаларига кўра паркинсонизмда 56% ҳолатда NSE оқсил миқдорининг ошиши кузатилган, муаллифларнинг фикрича ПК да бош мия сурункали ишемиясига нисбатан NSE миқдори ёшга мос равишда юқори бўлиб, эркакларда аёлларга нисбатан, ёшларда эса ёши катталарга нисбатан юқори бўлиши ҳам исботланган. Шунингдек ПКда когнитив функцияларнинг бузилиши солиштирилганда когнитив етишмовчиликнинг кучайиши NSE оқсил миқдорининг ошиши билан намоён бўлган. Демак, NSE оқсили когнитив функцияларни эрта аниқлашда ҳам субклиник маркер ҳисобланади. Шу боис нейронларга махсус энолаза ПК да ҳам кўшимча текширув усули сифатида, ҳам мияда нейродеструктив жараённи эрта аниқлаш маркери сифатида қаралади.

Республикада экстрапирамидал касалликлар муаммоларига бағишланган тадқиқотлар Л.С.Петелин, М.А.Атаджанов, Х.М.Халимова, сингари олимлар томонидан олиб борилган. Л.С.Петелин, М.А.Атаджанов изланишларида Паркинсон касаллигига чалинган беморларнинг 3-4 авлоди шажараси ўрганилиб, ушбу шажаралар таҳлили касаллик доминант турда суст пенетрантлик билан наслланишга эгаллиги ва шу сабабли касаллик турли авлодда ўзини турлича намоён этиши ҳамда баъзи авлодларда кузатилмаслиги аниқланган.

ЭПКда ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишлар билан S100B оксили ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида аниқ маълумотлар деярли йўқ. Асаб тизимининг нейродегенератив касалликларида нейронларга махсус бўлган оксилларнинг ахамияти ўрганилган бўлишига қарамасдан, S100B оксили билан ҳаракат ва ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишлар ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида аниқ фикрлар йўқ. ЭПК ни эрта аниқлаш масаласи бўйича ташхислаш мезонлари механизми тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Бу эса касалликларни даволашда биокимёвий маркерларни ишлаб чиқиш, уларнинг даволашдаги ўрнини исботлаш ва уни чуқур ўрганиш зарурлигини тақозо қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг «Асаб тизими нейродегенератив касалликларини чуқур ўрганиш ва уларни эрта аниқлаш масалалари» (2010-2017 йй) мавзусида илмий-текшириш ишлари режаси асосида бажарилган (Давлат қайд рақами 01.110.0158).

**Тадқиқотнинг мақсади** экстрапирамидал касалликларнинг клиник-неврологик, нейропсихологик, биокимёвий хусусиятларини таҳлил қилиш, уларни эрта аниқлаш мезонлари ва дифференциал даволаш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

экстрапирамидал касалликларнинг клиник-неврологик, ирсий-анамнестик хусусиятларини касаллик клиник шакллари, оғирлик даражаси ва беморларнинг ёшига нисбатан таҳлил қилиш;

экстрапирамидал касалликларда ҳаракатга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган бузилишларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини касаллик клиник шакллари бўйича таҳлил қилиш, уларни эрта аниқлаш учун махсус бўлган мезонларини ишлаб чиқиш;

экстрапирамидал касалликлар, жумладан, Паркинсон касаллиги ва торсион дистониянинг турли шаклларида беморлар қон зардобидида нейронлар учун махсус бўлган S100B оксил миқдорини чуқур ўрганиш, уни касаллик клиник шакллари ва даражасига боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш;

экстрапирамидал касалликларда беморлар қон зардобидидаги S100B оксил миқдори билан ҳаракат ва ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишлар ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш;

клиник-неврологик, нейропсихологик ва биохимик текширувлар асосида экстрапирамидал касалликларни эрта ташхислаш механизминини ишлаб чиқиш;

экстрапирамидал касалликлар билан оғриган беморлар яшаш сифатига таъсир қиладиган омилларни чуқур ўрганиш ва уларни бартараф қилиш чораларини ишлаб чиқиш;

экстрапирамидал касалликлар билан оғриган беморларда ҳаракат ва ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишларни дифференциал даволаш чоратадбирларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1-сон Республика клиник шифохонасида амбулатор ва стационар шароитда даволанаётган 231 нафар бемор танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** экстрапирамидал касалликлар, ПК ва қон томирли паркинсонизм, торсион дистониянинг турли шакллари, эссенциал тремор билан оғриган беморлар ва ЭПК бўлмаган назорат гуруҳдаги беморлар, шунингдек, уларнинг қон таҳлили материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун клиник-неврологик, ирсий-анамнестик, нейропсихологик, невровизуал, биокимёвий ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

экстрапирамидал касалликларда ҳаракат ва ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишларнинг клиник манифестацияси хусусиятлари касалликнинг клиник шакллари ва босқичларига боғлиқ ҳолда исботланган;

экстрапирамидал касалликларда, жумладан, Паркинсон касаллигида беморлар қон плазмасидаги S100B оқсил миқдорининг ўзгариши касалликнинг клиник шакллари ва босқичларига ва касаллик давомийлигига боғлиқ эканлиги исботланган;

экстрапирамидал касалликларда ҳаракат ва ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишлар билан беморлар қон зардобидидаги S100B оқсил миқдори ўртасидаги мувофиқлик, унинг касаллик ривожланишидаги хусусияти исботланган;

экстрапирамидал касалликлар билан касалланган беморларнинг яшаш сифатига таъсир қиладиган клиник ва клиник бўлмаган омиллар тизимли асосланган;

ҳаракатга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган бузилишларни инобатга олган ҳолда экстрапирамидал касалликларни дифференциал даволаш тизимини такомиллаштириш механизми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

экстрапирамидал касалликларни эрта аниқлаш учун ҳаракат ва ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишлар касаллик шакллари ва босқичлари бўйича таҳлил қилиниб, эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

экстрапирамидал касалликлар билан оғриган беморлар қон зардобидида нейронларга махсус бўлган S100B оқсил миқдорини таҳлил қилиш асосида паллидар тизим касалликларида ушбу оқсилнинг ўзгариши диагностик мезон сифатида қаралиши ва стриар тизим касалликларида эса аҳамият касб этмаслиги исботланган;

экстрапирамидал касалликларда ҳаракат ва ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишларни дифференциал даволаш чора-тадбирлари механизми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-неврологик, нейропсихологик, биокимёвий, невровизуалогик усулларга асосланган ва

мўлжалланган вазифалар ечими аниқ тиббий статистик усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хуллас, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экстрапирамидал касалликларда ҳаракат ва ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишларнинг патогенези ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш, хусусан, ҳаракатга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган бузилишларни ҳар хил клиник шакллар ва босқичларига боғлиқ ҳолда чуқур ўрганиш, касалликларга эрта ташхис қўйиш, қиёсий ташхис ўтказиш, патология тўғрисида олдиндан шубҳа қилиш, шунингдек даволаш муолажаларини ўз вақтида ўтказиш тўғрисидаги назарий ва амалий билимларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти беморлар қон зардобиди S100B оқсил миқдорини ИФА усули ёрдамида текширувларни тадбиқ этиш, ишлаб чиқилган махсус мезонлар механизми ёрдамида ЭПК ни эрта аниқлаб олиш ва қиёсий ташхис ўтказиш, шунингдек дифференциал даволаш чора-тадбирларини оптималлаштиришдан иборат. Экстрапирамидал касалликлар клиник шакллари ва босқичларига мувофиқ ҳаракат ва ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишларни эрта ташхислаш, олдиндан башорат қилиш, чора-тадбирлар ўтказиш учун амалиётда ишлаётган неврологларга беморлар қон зардобиди S100B миқдорини ИФА усулида текшириш зарур ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Экстрапирамидал касалликларни эрта аниқлашда янгича ёндашувлар ва дифференциал даволаш тактикаси тамойилларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

нейронларга боғлиқ бўлган оқсил миқдорини текшириш бўйича олинган натижалар асосида «Экстрапирамидал гиперкинезлар ва уларни эрта ташхислаш тамойиллари» номли услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 22 февралдаги 8н-д/7-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма экстрапирамидал касалликларни эрта аниқлаш ва ташхислашни такомиллаштириш имконини беради;

ҳаракатга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган бузилишларнинг таҳлили асосида «Нейромотор дискинезияли беморларда когнитив бузилишларни эрта ташхислаш ва уларни коррекция қилиш тамойиллари» номли услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 22 февралдаги 8н-д/7-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма экстрапирамидал касалликларда ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишларни коррекция қилиш ва унинг олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш имконини беради;

экстрапирамидал касалликларни эрта аниқлаш ва дифференциал чора тадбирлари бўйича олинган натижалар Хоразм вилояти кўп тармоқли

тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 22 февралдаги 8н-д/7-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг жорий қилиниши экстрапирамидал касалликларни эрта ташхислаш, касалликларнинг кечиши ва оқибатини яхшилаш, уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш, беморлар ҳаёт тарзини узайтириш, аҳолининг турли қатламлари орасида экстрапирамидал касалликлардаги ҳаракатга боғлиқ бўлган ва бўлмаган бузилишларни коррекция қилиш моддий ҳаражатлар миқдорини 27,5% камайишига олиб келди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 21 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 15 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 35 та илмий иш нашр қилиниб, улардан 13 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрлар рўйхатига киритилган журналларда, шундан 4 таси халқаро илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, 5 асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 181 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экстрапирамидал касалликларнинг этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхислаш ва даволаш тамойилларининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда экстрапирамидал касалликларнинг этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхислаш ва даволаш тамойилларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг «**Клиник материаллар ва қўлланилган тадқиқот усулларининг умумий тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тегишли

беморлар ва фойдаланилган усуллар, шунингдек, тадқиқот натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар тавсифланган.

Ушбу тадқиқотга 1-сон Республика клиник шифохонасида стационар ва амбулатор шароитда даволанаётган 201 нафар ЭПК билан касалланган беморлар киритилди. Назорат гуруҳи ёшга мос бўлган 30 нафар амалий жиҳатдан соғлом бўлган ва экстрапирамидал касаллиги бўлмаган беморлардан иборат бўлди. Беморлар ёши 23 дан 75 ёшгача бўлиб, ўртача  $54,9 \pm 10,2$  ни ташкил этди. Касаллик давомийлиги ўртача  $4,46 \pm 6,2$  йил. Асосий гуруҳни 112 нафар (55,8%) эркак ва 89 нафар (44,2%) аёлларни ташкил қилди. Назорат гуруҳи ҳам шунга мос равишда 53,3% эркаклар ва 46,7 % аёллардан иборат бўлди.

Паркинсонизмнинг турли шакллари билан касалланган 103 та бемор ва стриар гиперкинезлар билан касалланган 60 та бемор, шунингдек, 38 та эссенциал тремор билан касалланган, жами 201 та беморлар рўйхатга олинди. Паркинсон касаллиги билан оғриган 51 та бемор, 44 та қон-томирли генезга эга бўлган иккиламчи васкуляр паркинсонизм синдроми ва 8 та паркинсонизм+(плюс), яъни бошқа нейродегенератив касалликлар фонида ривожланган паркинсонизм билан оғриган беморлар текширилди. Экстрапирамидал гиперкинезлар (ЭПГ) билан оғриган умумий 60 та бемор рўйхатга олиниб, уларнинг ҳам бирламчи ва иккиламчи шакллари ажратилди. Бирламчи шакллари билан оғриган 34 та бемор торсион дистониянинг тарқоқ (6 та бемор) ва локал кўринишлари (СБҚ-12 та, турли хил юздаги гиперкинезлар-16 та) инобатга олинди. Иккиламчи шаклларида маълум бир касалликлар натижасида ривожланган гиперкинезлар (26 та бемор) текширув гуруҳига киритилди. Юздаги гиперкинезларнинг асосий таркибий қисмини блефароспазм, гемиспазм ва параспазм билан оғриган беморлар ташкил этди.

Клиник-неврологик, нейропсихологик, нейрофизиологик ва биохимик текширувлар ўтказилди. ЭПК ичида наслий нейродегенератив касалликлар кўп учрашини ҳисобга олиб генеологик усулда оила шажарасини тузиш қўлланилди. Экстрапирамидал симптомлар шкаласи (Extrapyramidal rating scale-ESRS) (Choirnard G, Ross-Choirnard A, Annable L, et al.), A. Hughes ва ҳаммуаллифлар ҳамда, Буюк Британия мия банки (UK Brain Bank Criteria, Hughes et al., 1992) мезонлари, Паркинсон касаллигининг унифицирланган рейтинг шкаласи (ПКУРШ), Паркинсон касаллигининг Хен ва Яр (Hoehn M., Yahr M.D., 1967) бўйича босқичлари, когнитив Монреал шкаласи (MoCA), енгил когнитив бузилишларни ташхислаш учун маҳсус (Н.Н.Яхно А.Б.Локшина, 2005), яққол когнитив бузилишлар учун эса модифицирланган ташхислаш мезонлари (J. Tobchon ва R.Petersen., 2004)], деменциянинг МКБ-10 DSM-IV мезонлари, вегетатив бузилишларнинг О.С. Левин ва Н.А.Амосов (2003) шкаласи, аффектив бузилишлардан депрессияга баҳо бериш учун Гамильтон (англ. Hamilton Rating Scale for Depression, HRDS) ва Бек (Beck Depression Inventory) шкалалари, уйқу бузилишларнинг Эпвортнинг уйқучанлик шкаласи (Epworth Sleepiness scale – ESS), Паркинсон касаллигида уйқу сифатини баҳолаш шкаласи

(Parkinson's disease sleep scale – PDSS), уйку бузилишининг умумий шкаласи (General sleep disturbance scale – GSDS), беморларнинг яшаш сифатини баҳолаш учун 5 та саволдан иборат бўлган Европа сўровномаси (EuroQoL-5D), нейронларга махсус бўлган S100B оқсили иммунофермент анализ усули билан текширилди.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакети ёрдамида Pentium-IV шахсий компютерида статистик ишланди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадратик силжиш ( $\sigma$ ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичлар (частота, %) ни ҳисоблаш билан параметрик ва нопараметрик вариацион статистика усуллари билан фойдаланилди. Ўртача қийматларни қиёслаш натижасида олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (p) ни ва бош дисперсиялар тенглиги (F-Фишер мезони) ни ҳисоблаган ҳолда Стюдент (t) мезони бўйича аниқланди. Ишончлилик даражаси  $p < 0,05$  га тенг кўрсаткичлар статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қаралди. Белгиларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш учун Пирсоннинг жуфтлик корреляцияси коэффициенти (r) ҳисобланди.

Диссертациянинг **«Экстрапирамидал касалликларнинг клиник кўринишлари ва уларни эрта аниқлашда ҳаракатга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган бузилишларнинг ўрни ва аҳамияти»** деб номланган учинчи бобида экстрапирамидал касалликларнинг клиник кўринишлари ва уларни эрта аниқлашда ҳаракатга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган бузилишларнинг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилди. Экстрапирамидал касалликларнинг беморлар ёши ва жинси бўйича тўлиқ солиштириб чиқилди ва кўпроқ эркаклар касалланиб, бу кўрсаткич кўпроқ паллидар тизим патологияси бўлган паркинсонизмда яққол намоён бўлиши аниқланди. Беморларнинг ёши гуруҳлар бўйича анализ қилинганда, умумий гуруҳда 45 ёшгача бўлган беморлар 57 тани (31,6%) ташкил этган бўлса, 45-55 ёшда 51 та (28,2 %) ва 55-65 ёшда ҳам 51 та (28,2%), шунингдек 65-75 ёшдаги беморлар 22 тадан (12,1%) иборат бўлди. ЭПК клиник кўринишлари бўйича таҳлил қилинганда, ЭПГ паллидар тизим патологияси бўлган паркинсонизмга нисбатан эрта ёшда кўп учраши кузатилди, 45 ёшгача бўлган ЭПГ билан оғриган беморлар 29 та (48,3%), паллидар тизим патологияси бўлган паркинсонизм билан оғриган беморлар 12 та (14,4%). Паллидар тизим патологияси кўпроқ 55-65 ёшдаги беморлар ўртасида кузатилиб, 34 та (40,9%), эссенциал тремор (ЭТ) яъни шартли равишда стрио-паллидар тизим патологияси эса нисбатан 45 ёшгача бўлган беморлар ўртасида кўпроқ 16та (42,1%) кузатилди.


ПК кўпроқ эркакларда учраб, эрта бошланиш дебютига эгадир, васкуляр паркинсонизм эса нисбатан кечки ёшларда кузатилиб, асосан аёлларда кўпроқ намоён бўлиши аниқланди. ЭТ кўпроқ ёшларда кузатилди ва жуда енгил кечди. ЭПГ, асосан эрта ёшда кўпроқ кузатилди ва бунда ҳам нисбатан эркаклар кўпроқ касалланар экан.

Биз бу касалликлар билан оғриган беморларни оилавий анамнезини тўлиқ суриштириб шажара дарахтини тузишга ҳаракат қилдик. ПК билан оғриган 16 та беморда оилавий анамнезини тўлиқ анализ қилганимизда 10 та беморда (62,5%) аутосом-доминант типда ва 6 та беморда (37,5%) аутосом-рецессив типда наслдан-наслга берилиши кузатилди. ЭТ билан оғриган 18 та бемордан 16 тасида (88,8%) аутосом-доминант типда наслдан наслга ўтиши кузатилди. Торсион дистониянинг барча шакллари билан оғриган беморларнинг оилавий анамнези тўлиқ суриштириб чиқилганда, наслдан-наслга берилиши жуда камчиликни ташкил этди, атиги 4 та беморда (11,6%) аутосом-рецессив типда наслдан-наслга берилиши намоён бўлди. Демак, ЭПК ичида паллидар тизим патологияси ҳисобланган ПК ва ЭТ учун генеологик-шажара тузиш усули касалликларни эрта аниқлаб олишда катта ёрдам беради, юздаги гиперкинезларда унчалик катта аҳамият касб этмайди.

Кейинги босқичда биз экстрапирамидал касалликларда ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишлар ва уларнинг касалликни эрта аниқлашдаги ўрнини ўрганиб чиқдик. Экстрапирамидал касалликларнинг асосий клиник кўриниши асосини титроқ, гипокинезия ёки гиперкинез ва ригидлик ташкил қилсада, қатор ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишлар ҳам борки улар юқоридаги белгилар пайдо бўлишидан бир неча йиллар олдин кузатилиши мумкин. Уларга когнитив, вегетатив, психик, диссомник, сенсор, аффефектив ва бошқа бузилишлар киради. Бундай давр премотор босқич деб аталади. Унинг белгилари сифатида ҳид билишнинг бузилиши, ич қотиши, уйқу бузилиши, депрессия, оғриқ синдромлари, кўзларнинг тез ҳаракатланиши билан уйқу пайтида хулқ-атворнинг бузилишлари киради. Агар шу даврда беморларнинг яқин қариндошларида премотор бўлган юқоридаги белгилар тўғри текшириб олинса, касалликни эрта аниқлаб олишнинг имконияти туғилади.

Паркинсонизм билан касалланган 84 та беморда ҳид билишнинг бузилиши, когнитив, аффефектив бузилишлар, яъни депрессия ва хавотирлик, вегетатив бузилишлар, сенсор бузилишлар, жумладан оғриқ синдроми ва уйқу бузилишлари учраши таҳлил қилинди. Олинган натижаларга кўра ҳид билишнинг бузилиши, уйқу бузилишлари, психик, аффефектив, вегетатив бузилишлар кўпроқ ПК билан оғриган беморларда кузатилган бўлса, когнитив бузилишлар эса васкуляр паркинсонизм синдромида яққол намоён бўлди. ПК билан оғриган 51 та бемордан 38 тасида (74,6%) касалликнинг асосий белгилари, титроқ, гипокинезия ва ригидлик бошланишидан бир неча йиллар олдин бошланганлиги кузатилди. Паркинсонизм синдромида эса 24 та бемордан атиги 7 тасида (29,1%) ҳид билишнинг бузилганлиги кузатилди. Инсомния, гиперсомния ва парасомния кўринишдаги уйқу бузилишлари ҳам нисбатан ПК билан оғриган беморларда кузатилди (80,4%), паркинсонизм синдромида фақат нисбатан уйқусизлик кузатилиб, 25,0% беморларда намоён бўлди. Депрессия ва хавотирлик кўринишдаги аффефектив бузилишлар ПК да 84,3% учраган бўлса, паркинсонизм синдромида эса 37,5% ни ташкил этди. Оғриқ кўринишидаги сенсор

бузилишлар ПК билан оғриган беморларда 76,5% учраган бўлса, паркинсонизм синдромида 37,5% ни ташкил этди. Когнитив бузилишлар иккала гуруҳдаги беморларда ҳам кўпроқ учради, нисбатан паркинсонизм синдромига чалинган деярли барча беморларда турли даражадаги когнитив бузилишлар намоён бўлди. Вегетатив бузилишларнинг турли кўринишлари эса нисбатан ПК билан оғриган беморларда кўпроқ кузатилди (82,3%), назорат гуруҳдаги беморларда бу белгилар деярли кузатилмади (1-расм).



**1-расм. Паркинсон касаллиги ва синдромида ҳаракатга боғлиқ бўлмаган белгиларнинг кузатилиши.**

Когнитив бузилишлар 51 та ПК ва 34та бирламчи стриар гиперкинезлар билан оғриган беморларда текширилди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики ПК да турли даражадаги когнитив бузилишлар кузатилган бўлса, стриар гиперкинезларда, асосан, енгил даражадаги когнитив бузилишлар кузатилиб, оғир даражадаги деменцияга хос бўлган когнитив бузилишлар жуда кам миқдорда учради, назорат деярли гуруҳдаги ҳамма беморларда енгил даражадаги когнитив бузилишлар учради.


ЭПКга когнитив бузилишлар хос бўлиб, унинг даражаси касалликнинг клиник кўринишига боғлиқ экан. Деменцияга хос бўлган чуқур когнитив бузилишлар, асосан, ПК да учраб, биринчидан, касаллик клиник кечишини оғирлаштиради, иккинчидан, ногиронликка олиб келиб, ижтимоий-иқтисодий муаммони барқарорлаштиради.

ЭПК да беморнинг яшаш сифатига таъсир қиладиган ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишлардан яна бири бу уйқу ва тетикликнинг бузилишидир. Олинган натижалар шуни кўрсатмоқдаки, ПК билан оғриган 41 та (80,4%) беморда, паркинсонизм синдромида эса 14 та беморда (58,3%), эссенциал тремор билан оғриган 20 та беморда (52,6%), бирламчи экстрапирамидал гиперкинезларда, жумладан торсион дистония ва юздаги гиперкинезлар 8 та беморда (23,5%) у ёки бу кўринишдаги уйқу бузилишлари кузатилди.

Эпворт шкаласи бўйича уйқучанлик солиштирилганда ПК да ўртача кўрсаткич  $2,6 \pm 1,4$  баллни ташкил этган бўлса, паркинсонизм синдромида  $2,1 \pm 1,6$  балл, стриар гиперкинезларда  $1,6 \pm 2,1$  балл ва назорат гуруҳда эса  $0,8 \pm 1,7$  баллни ташкил этди. Бу ПК билан оғриган беморларда уйқучанлик стриар гиперкинезларга қараганда юқори даражада эканлигини билдиради.

Уйқу бузилишининг яна бошқа сабабларини излаш учун биз когнитив бузилишлар даражасини уйқу бузилиш кўринишлари билан солиштириб чиқдик. Гиперсомния кузатилган барча беморларда оғир даражадаги когнитив бузилишлар кузатилиб, 8 та бемор ҳам яққол намоён бўлган деменцияга эга бўлди.

Гамильтон ва Бек шкалалари бўйича депрессия даражалари анализ қилинганда, Паркинсон касаллигида асосан ўртача ва оғир даражадаги депрессия кузатилган бўлса, стриар гиперкинезларда енгил ва ўртача даражада депрессия кузатилди ( 2-расм).



**2-расм. Паркинсонизм ва стриар гиперкинезларда депрессия даражалари.**

ПК билан касалланган 51 та бемордан 42 тасида (83,3%), паркинсонизм синдромида 19 беморда (79,1 %) вегетатив бузилиш кузатилган бўлса, учламчи паркинсонизмда барча беморларда вегетатив бузилишлар намоён бўлди. Назорат гуруҳга нисбатан солиштирилганда барча беморларда юқори кўрсаткич кузатилди. Стриар гиперкинезларда нисбатан пастроқ кўрсаткич намоён бўлди, паркинсонизм билан оғриган беморларга қараганда.

Шундай қилиб, ЭПК касалликлар ичида кўпроқ ПК га ҳаракатга боғлиқ бўлмаган чуқур когнитив, вегетатив, аффектив, сенсор, уйқу ва ҳид билишни бузилишлари хос бўлиб, улар касалликнинг бошланиш даврига, касаллик давомийлигига, шунингдек касалликнинг клиник шакли ва босқичига узвий боғлиқдир. Ҳид билиш, оғриқ, уйқу ва депрессия кўринишидаги аффектив бузилишлар титроқ каби мотор бузилишлардан бир неча йиллар олдин кузатилиши мумкин.

Диссертациянинг «**Экстрапирамидал касалликларни эрта аниқлаш ва уларнинг оқибатларини белгилашда нейронлар учун махсус бўлган S100B оқсилнинг ўрни ва аҳамияти**» деб номланган тўртинчи бобида экстрапирамидал касалликларни эрта аниқлашда нейронлар учун махсус бўлган S100B оқсилнинг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилди.

ЭПК билан оғриган беморларда нейронлар учун махсус бўлган S100B оқсилнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш учун 83 та беморнинг қон зардоби махсус бўлган ИФА текширувдан ўтказилди. Улардан 74 таси асосий ЭПК билан оғриган беморларни ташкил этган бўлса, 9 та бемор назорат гуруҳи, яъни ёшга мос равишдаги ЭПК йўқ бўлган беморлардан иборат бўлди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги беморлар қон

зардобида S100B миқдори  $134,5 \pm 6,5$  нг/л ни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳда  $72,6 \pm 4,8$  нг/л эканлиги аниқланди ( $p < 0,05$ ), назорат гуруҳга нисбатан. Асосий гуруҳдаги беморлар қон зардобида S100B оқсилнинг миқдори деярли икки баробарга яқин юқори даражада эканлиги маълум бўлди.

Паллидар тизим шу нейротрансмиттер тизим орқали стриар тизим билан ўзаро боғлиқдир. Лекин паллидар ва стриар тизим касалликларининг келиб чиқишида қайсидир тизим кўпроқ, қайсинисидир нисбатан камроқ зарарланиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз кейинги босқичда S100B миқдорини паллидар ва стриар тизим касалликларига мос равишда солиштирама анализ қилиб чиқдик. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, паллидар тизим касалликларида беморлар қон зардобида S100B миқдори  $160,6 \pm 9,9$  нг/л ни ташкил этган бўлса, стриар тизим касалликларида бу кўрсаткич  $101,3 \pm 4,1$  эканлиги намоён бўлди,  $p < 0,05$ . ПК билан оғриган беморлар қон зардобида S100B оқсил миқдори  $132,5 \pm 6,5$  нг/л, паркинсонизм синдромида  $185,8 \pm 9,3$  нг/л ва учламчи паркинсонизмда эса  $206,3 \pm 13,3$  нг/л ни ташкил этди.

Текширув натижалари S100B оқсил миқдори касаллик клиник шаклларида боғлиқ ҳолда акинетик-ригидлик – титроқ – аралаш шакллари қатори бўйлаб ошиб боришини кўрсатиб, касалликнинг акинетик-ригидлик шаклида S100B миқдори  $104,7 \pm 9,1$  нг/л, титроқ шаклда  $121,8 \pm 3,5$  нг/л ни ва аралаш шаклда  $166,1 \pm 2,5$  нг/л ни ташкил этди,  $p < 0,05$ . Назорат гуруҳда эса бу кўрсаткич  $72,6 \pm 4,8$  нг/л га тенг.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида биз ПК да касаллик босқичлари бўйича S100B оқсил миқдорининг ўзгаришини анализ қилдик. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, 1-босқич – 2-босқич – 3-босқич қатори бўйлаб оқсил миқдори ошиб борди ( $100,8 \pm 4,9$  нг/л –  $129,7 \pm 5,1$  нг/л –  $166,6 \pm 3,5$  нг/л),  $p < 0,05$ .

Биз умумий стриар патология билан касалланган 28 та беморнинг қон зардобида S100B оқсил миқдорини ўрганиб чиқдик. Улардан 15 таси бирламчи патология ва 13 таси иккиламчи патологияни ташкил этди. Иккиламчи турда олиб келувчи омилар ҳисобидан қондаги оқсил миқдори баланд бўлиши кузатилди  $116,2 \pm 5,8$  нг/л, бирламчи турдаги патологияда эса  $86,5 \pm 1,1$  нг/л ни ташкил этди.

S100B оқсили астроцитар глия хужайралари учун махсус бўлган оқсилдир. Шунинг учун ҳам олинган натижалардан хулоса чиқариш мумкинки асосан паллидар тизим патологиялари учун маркер сифатида қаралиши мумкин экан. Стриар типдаги экстрапирамидал касалликларда бу оқсил учун беморлар қон зардобида деярли ўзгариш кузатилмади. Фақатгина бирламчи генез ёки иккиламчи, маълум бир касалликлардан кейин келиб чиққанлиги тўғрисида маълумот олиш мумкин холос.

Демак, олинган натижалардан шундай хулосага келиш мумкинки, S100B оқсил паллидар типдаги экстрапирамидал касаллик, яъни ПК учун касалликни эрта аниқлаш маркери сифатида қаралиши мумкин, стриар

типтаги экстрапирамидал гиперкинезлар учун эса касалликни эрта аниқлаш маркери бўла олмайди.

Кейинги босқичда экстрапирамидал касалликларда S100B оқсил миқдорининг ҳаракатга боғлиқ бўлмаган белгилар билан ўзаро боғлиқлиги баҳоланди. ПК билан оғриган 22 та беморнинг 13 тасида (59,1%) энгил когнитив бузилиш, 5 та (22,7%) беморда яққол намоён бўлган ўрта даражадаги КБ ва 4 та (18,2%) беморда чуқур когнитив бузилиш кузатилган бўлса, айнан шу беморлар қон зардобидаги S100B оқсил миқдори  $110,4 \pm 4,7 - 158,04 \pm 2,1 - 172,2 \pm 2,2$  нг/л ни ташкил этди. Васкуляр паркинсонизм синдромида 50% беморда энгил когнитив бузилиш, 20% беморда ўртача даражадаги КБ ва 30% беморда оғир когнитив бузилиш кузатилган бўлса, S100B оқсил миқдорининг ўзгариши  $240,3 \pm 6,5 - 313,6 \pm 7,6 - 339,8,6 \pm 13,2$  нг/л ни ташкил этди,  $p < 0,05$ . Учламчи паркинсонизмда 50% беморда энгил когнитив бузилиш, 25% беморда ўртача КБ ва 25% беморда оғир КБ кузатилган бўлса, мос равишда беморлар қон зардобида S100B оқсил миқдори  $181,4 \pm 8,4 - 188,5 \pm 10,2 - 227,6 \pm 7,6$  нг/л дан иборат бўлди. Умумий гуруҳда энгил когнитив бузилишлар кузатилган беморларда оқсил миқдори  $125,8 \pm 8,3$ , ўртача намоён бўлган когнитив бузилишларда  $161,9 \pm 6,4$  нг/л ва оғир когнитив бузилиш кузатилган беморларда  $236,03 \pm 14,3$  нг/л дан иборат бўлди,  $p < 0,05$  (3-расм).



**3-расм. Паркинсонизм билан оғриган беморларда когнитив бузилиш даражасининг S100B оқсил миқдори билан боғлиқлиги.**

Олинган натижалар шуни кўрсатмоқдаки, умумий паркинсонизмда когнитив бузилишлар даражаси беморлар қон зардобидаги оқсил миқдорига боғлиқ бўлиб, барча шаклларда қанчалик чуқур КБ кузатилса, шунчалик оқсил миқдори ҳам баланд бўлиши кузатилди, айниқса бу ҳолат паркинсонизм синдроми билан оғриган беморлар гуруҳида ўз аксини топди.

Кейинги босқичда биз уйқу бузилишларини беморлар қон зардобидаги S100B оқсил миқдори билан боғлиқлигини анализ қилиб чиқдик. 50% беморда инсомния кўринишида, 18,2% беморда парасомния ва 31,8% беморда гиперсомния кўринишида уйқу бузилиши кузатилган бўлса, оқсил миқдори мос равишда  $118,6 \pm 8,5 - 99,24 \pm 4,8 - 158,6 \pm 5,6$  нг/л ни ташкил этди.

Олинган натижалардан аёнлашадики, беморлар қон зардобидаги нейронларга махсус бўлган S100B оқсил миқдорининг ошишига қараб туриб чуқур уйқу бузилишлари тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Буни яна чуқур когнитив бузилишлар гиперсомнияга олиб келиб, мос равишда оқсил миқдорининг ошиши бир-бирига мос келиши билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Паркинсонизмга хос бўлган ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишлардан яна бири аффектив бузилишлар ҳисобланиб, унинг яққол вакили депрессия ҳисобланади. Депрессия даражаларида енгил, ўртача, оғир ва ўта оғир депрессия ҳолатлари тафовут қилиниб, мос равишда ПК билан оғриган шу даражали беморлар қон зардобида оқсил миқдори қуйидагича намоён бўлди:  $99,2 \pm 5,4$ – $127,2 \pm 6,4$ – $161,6 \pm 5,5$ – $173,43 \pm 4,3$  нг/л. Паркинсонизм синдроми билан оғриган беморлар қон зардобида депрессия даражалари бўйича, енгил депрессия кузатилган беморларда  $150,2 \pm 5,6$  нг/л, ўрта депрессия кузатилган беморларда  $151,5 \pm 7,4$  нг/л, оғир депрессия кузатилган беморларда  $162,2 \pm 4,5$  нг/л ва ўта оғир депрессия кузатилган беморларда  $259,9 \pm 8,5$  нг/л ни ташкил этди. Учламчи паркинсонизмда бу кўрсаткичлар мос равишда  $181,4 \pm 3,6$ – $188,6 \pm 3,6$ – $201,5 \pm 4,6$ – $253,7 \pm 6,6$  га эга бўлди, депрессия оғирлик даражасининг ошишига мос равишда. Умумий гуруҳда эса енгил депрессия кузатилган беморлар қон зардобида  $114,2 \pm 5,3$  нг/л, ўртача когнитив бузилишлар кузатилган беморлар қон зардобида  $128,9 \pm 5,4$ , оғир депрессия кузатилган беморлар қон зардобида  $163,1 \pm 6,6$  нг/л ва ўта оғир депрессия кузатилган беморлар қон зардобида эса  $236,03$  нг/л ни ташкил этди. Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, қанчалик депрессия чуқур кузатилса, оқсил миқдори ҳам бемор қон зардобида шунчалик юқори бўлар экан. Бу ҳолатни депрессия даражасининг уйқу бузилишлари ва когнитив бузилишлар даражаси билан солиштирма анализ қилингандаги натижалар ҳам исботлайди.

Кейинги босқичда вегетатив бузилишлар даражасининг нейронларга боғлиқ бўлган S100B оқсил миқдори билан боғлиқлигини ўрганиб чиқдик. Олинган натижаларга асосан, ПК билан оғриган беморларда вегетатив бузилишлар кўрсаткичлари ўртача 11,4 баллни ташкил этган бўлса, паркинсонизм синдромида 8,8 балл ва учламчи паркинсонизмда 9,8 баллни кўрсатди. Шунга мос равишда бу гуруҳдаги беморлар қон зардобидаги оқсил миқдори  $132,5 \pm 6,5$ – $185,8 \pm 29$ – $206,3 \pm 13,3$  нг/л ни ташкил этди. Вегетатив бузилишларни клиник вариантлари бўйича алоҳида таҳлил қилганимизда, ПК билан оғриган ва юрак қон-томир бузилишлари кузатилган беморларда оқсил миқдори  $141,9 \pm 5,6$  баллни ташкил этган бўлса, юрак қон-томир бузилишлари бўлмаган беморларда бу кўрсаткич  $89,8 \pm 6,5$  баллни ташкил этди. Гастроинтестинал бузилишлар кузатилган беморларда  $147,9 \pm 4,5$  ва гастроинтестинал бузилишлар кузатилмаган беморларда  $99,2 \pm 7,3$  дан иборат бўлди. Паркинсонизм синдроми билан оғриган беморларда юрак-қон томир бузилишлари кам кузатилиб, бу беморларнинг қон зардобидаги оқсил миқдори  $166,5 \pm 4,0$ , юрак қон-томир бузилишлари кузатилмаган беморларда эса  $163,5 \pm 6,5$  дан иборат бўлиб,

улар орасида деярли фарқ кузатилмади. Гастроинтестинал бузилишли паркинсонизм синдроми билан оғриган беморларда ҳам оксил миқдорининг даражаси унча катта кўринишда фарқ қилмади. Учламчи паркинсонизмда эса вегетатив бузилишлар, алоҳида клиник кўринишлари бўйича солиштирилганда, беморлар қон зардобидаги оксил миқдори ошиши билан чуқурлашиб борди. Юрак қон томир бузилишлари кузатилган беморларда  $214,6 \pm 8,5$  ва юрак қон томир бузилишлари кузатилмаган беморларда  $181,4 \pm 8,2$  дан иборат бўлди. Гастроинтестинал бузилишли беморларда  $220,1 \pm 7,3$  ва гастроинтестинал бузилишлар кузатилмаган беморларда  $189,1 \pm 6,8$  ни ташкил этди,  $p < 0,05$ .

Бирламчи патология билан 15 та беморда биз ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишларни беморлар қон зардобидаги оксил миқдори билан солиштириб кўрдик. Когнитив бузилишлар бўйича енгил когнитив бузилишлар кузатилган беморларда оксил миқдори  $86,2 \pm 4,8$  нг/л, ўртача КБ кузатилган беморларда эса  $88,02 \pm 6,5$  нг/л ни ташкил этди. Оғир когнитив бузилишли беморлар статистик жиҳатдан камчиликни ташкил этганлиги учун солиштиришни лозим топмадик. Демак, экстрапирамидал бирламчи стриар гиперкинезларда когнитив бузилишлар енгил даражада кузатилиб, унинг чуқулашиб бориши беморлар қон зардобидаги нейронларга боғлиқ бўлган S100B оксил миқдорига боғлиқ бўлмади.

Кейинги босқичда аффектив бузилишларнинг оксил миқдори билан боғлиқлигини анализ қилиб чиқдик. Енгил, ўртача, оғир ва ўта оғир депрессия даражалари бўйлаб бирламчи торсион дистония билан оғриган беморлар қон зардобида оксил миқдори мос равишда қуйидагича намоён бўлди:  $83,2 \pm 4,8$ – $86,5 \pm 5,6$ – $86,8 \pm 5,4$ – $88,3 \pm 4,3$  нг/л ни кўрсатган ҳолда деярли катта фарқ қилмади.


Кейинги босқичда уйку бузилиш кўринишларини солиштиришни афзал топдик. Бу ПК билан оғриган беморларда инсомния кузатилган беморларда  $118,6 \pm 8,5$ , парасомнияда  $99,24 \pm 4,8$  ва гиперсомнияда  $158,6 \pm 5,6$  ни ташкил этган бўлса, ТД билан оғриган беморларда бу кўрсаткич мос равишда  $84,2 \pm 6,5$ ,  $85,5 \pm 5,4$  ва  $88,5 \pm 3,6$  дан иборат бўлди,  $p < 0,05$ . Демак, экстрапирамидал гиперкинезларда уйку бузилиши беморлар қон зардобидаги оксил миқдори билан боғлиқ эмас экан.

Охирги пайтда ЭПК ни ташхислашни фақатгина ҳаракатга боғлиқ бўлган титроқ, мускуллар тонусининг ошиши ёки пасайиши, ортикча гиперкинезлар клиник жиҳатдан устун бўлганда кеч йўлга қўйилмоқда. Ҳаракат бузилишлари юзага чиққунича кузатиладиган белгиларга деярли аҳамият берилмай қолмоқда. Шунинг учун ҳам биз ҳаракат белгилари билан бир қаторда, ҳаракатга боғлиқ бўлмаган бузилишларни чуқур таҳлил қилиб чиқдик ва уларнинг беморлар қон зардобидаги оксил миқдори билан боғлиқлик даражасини ўрганиб чиқдик. Агар беморлар мурожаат қилганда маълум бир кетма-кетлик асосида махсус алгоритмда тўғри олиб борилса, ЭПК ларни эрта аниқлаш имконияти туғилади. Ҳаракатга боғлиқ бўлган титроқ, гипокинезия, ригидлик, яъни паркинсонизмга хос бўлган белгилар яққол кузатилганда беморни КТ ёки МРТ текширувдан ўтказиб, беморлар

қон-зардобидаги S100B оксил миқдорини текшириш лозим. Бу паркинсонизмнинг клиник шакллари бўйича бирламчи, иккиламчи ва учламчи турларини ажратишга катта ёрдам беради. Шунингдек, алоҳида ПК клиник шакллари, босқичлари, касаллик давомийлиги, дебюти, клиник кечиши тўғрисида маълумотлар эрта аниқланиб касаллик ташхисини тўғри шакллантиришга ёрдам беради. Агар беморда ортиқча ҳаракатлар орқали экстрапирамидал гиперкинезларга шубҳа қилинса, улар қон зардобидаги S100B оксил миқдорини текшириш шарт эмас, тўғридан тўғри КТ ёки МР текширув ўтказилиб, биламчи ёки иккиламчи турлари ажратиб олинади ва кейинчалик клиник шакли бўйича ташхис қўйилишига имкон туғилади.

